

## Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 315-ҳадис

315 - عَنْ سَعْدٍ قَالَ: عَادِينِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ مِنْ وَجْعٍ أَشْفَقَتُ  
مِنْهُ عَلَى الْمَوْتِ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، بَلَغَنِي مَا تَرَى مِنَ الْوَجْعِ، وَأَنَا دُوْمَاءٌ، وَلَا يَرْثِنِي إِلَّا ابْنَةٌ لِي  
وَاحِدَةٌ، أَفَأَنْصَدَقُ بِشُكْرِي مَالِي؟ قَالَ: «لَا»، قَالَ: فَقُلْتُ: أَفَأَتَصَدِّقُ بِشَطْرِهِ؟ قَالَ: «لَا، التَّلْثُلُ،  
وَالثَّلْثُ كَثِيرٌ، إِنَّكَ أَنْ تَذَرَ وَرِثَتَكَ أَغْنِيَاءً، حَيْرٌ مِنْ أَنْ تَذَرَهُمْ عَالَةً يَتَكَفَّفُونَ النَّاسَ، وَلَسْتَ تُنْفِقُ  
نَفْقَةً تَبْيَغِي بِهَا وَجْهَ اللَّهِ، إِلَّا أُحِرْرَتْ بِهَا، حَتَّى الْلُّقْمَةُ تَجْعَلُهَا فِي امْرَأَتِكَ»، قَالَ: فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ  
اللَّهِ، أَخْلَفُ بَعْدَ أَصْحَابِي، قَالَ: «إِنَّكَ لَنْ تُخَلِّفَ فَتَعْمَلَ عَمَلاً تَبْيَغِي بِهِ وَجْهَ اللَّهِ، إِلَّا ارْدَدْتَ بِهِ  
دَرَجَةً وَرِقْعَةً، وَلَعَلَّكَ تُخَلِّفُ حَتَّى يُقْسِعَ بِكَ أَقْوَامٌ، وَيُضَرَّ بِكَ آخْرُونَ، اللَّهُمَّ أَمْضِ لِأَصْحَابِي هِجْرَتَهُمْ  
وَلَا تُؤَدِّهُمْ عَلَى أَعْقَابِهِمْ، لَكِنِ الْبَائِسُ سَعْدُ بْنُ حَوْلَةَ»، قَالَ: رَئِيْلَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ  
مِنْ أَنْ تَعْوِيْقِي إِمْكَانًا.

[خ 56، م 1628، ت 975، س 3626، د 2740، جه .] [2708]

«Васият» сўзи луғатда «етказиш» маъносини англатади. Чунки у ила васият қилгувчи бу дунёдаги яхшилигини охиратига ҳам етказади.

Васият шариат бўйича, ўлимдан кейин қўшимча ҳақ сифатида ихтиёрий садақа тайин қилишдир.

Исломнинг аввалида ота-она ва яқин қариндошлар фойдасига васият қилиш вожиб эди. Мусулмон киши ўлимидан олдин молининг бунчасини отамга, бунчасини онамга, яна бу қисмини фалончига, у қисмини пистончига беринглар, деб васият қиласади.

Мерос оятлари тушиши билан бу нарсалар амалдан қолиб, қолган молни оят асосида меросхўрлар орасида тақсим қилиш жорий қилинди.

Васият қилиш эса мандуб бўлиб, фақат молнинг учдан бирига ўтадиган бўлиб қолди. Васият фақат уни қилган кишининг вафотидан кейин амалга оширилади.

### 1. Саъдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Видолашув ҳажи йили ўлим ёқасига келтириб қўяёзган дардимда мени кўргани келдилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, дард мени ўзингиз кўриб турган аҳволга солиб қўйди. Мен давлатманд одамман. Биргина қизимдан бошқа меросхўрим йўқ. Молмулкимнинг учдан иккисини садақа қилайми?» дедим. «Йўқ», дедилар. «Бўлмаса, ярмини садақа қилайми?» дедим. У зот шундай дедилар: «Йўқ. Учдан бири ҳам кўп, чунки меросхўрларингни беҳожат қилиб қолдириб кетишинг уларни одамлардан тиланадиган бокиманда қилиб қолдириб кетганингдан яхши. Аллоҳнинг важҳини истаб қилган нафақанг борки, унга албатта ажр оласан, ҳатто аёлингнинг оғзига соглан луқманг учун ҳам», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, шерикларимдан ортда қолиб кетаманми?» дедим. У зот: «Ортда қолиб, Аллоҳнинг важҳини истаб, нима амал қилсанг ҳам, у туфайли даражаю мартабанг албатта ортади. Шояд, ортда қолсанг-да, кейин сен туфайли баъзи одамлар манфаатланиб, бошқалари зарап кўрса. Аллоҳим, саҳобаларимнинг ҳижратларини охирига етказ ва уларни ортларига қайтариб юборма! Лекин бечора Саъд ибн Хавла...»\* дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг Маккада вафот этганига ачиндилар».

*Ином Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.*

**Изоҳ:** Аллоҳ таолога нисбатан «важҳ» сўзининг ишлатилиши ақийдага оид масаладир. Саҳих хабарларда келтирилган бундай маълумотларга қандай бўлса, шундайлигича иймон келтириш, уларнинг тугал маъносини Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир. «Аллоҳнинг қабзаси», «кулиши», «юзи», «қўли», «қўзи», «қадами» ва шу каби васфлар Аллоҳ таолонинг Ўзига хос сифатлари бўлиб, махлуқотларнинг сифатларидан мутлақо бошқадир. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, бу сифатларга уларнинг қандайлигини тасаввур қилмаган, суриштирмаган ҳолда иймон келтириш вожибдир. Бу борада Аллоҳ таолонинг **«У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир»** деган сўзи асосий қоида бўлади.

\* Маккадан Мадинага ҳижрат қилган саҳобалар Маккада вафот қилган одамнинг ҳижрати нуқсонли бўлиб қолади деб, ҳижрат юртида вафот топишни орзу қилишар эди. Саъд ибн Хавла розияллоҳу анҳу Маккага қайтиб келганида вафот этган эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васаллам унга ачинган эдилар.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

